


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

2022 №9

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
АҲВОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

СОДЕРЖАНИЕ

CONTENT

НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ
ТЕХНОЛОГИИNEW PEDAGOGICAL
TECHNOLOGIES

Стр.

Базарбаев М.И., Сайфуллаева Д.И., Латипова К.Д.
ЦИФРОВАЯ МЕДИЦИНСКАЯ ЭКОСИСТЕМА: ГЕНЕ-
ЗИС И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

Bazarbaev M.I., Saifullaeva D.I., Latipova K.D. DIGITAL
MEDICAL ECOSYSTEM: GENESIS AND DEVELOPMENT
PROSPECTS

9

Бобоева З.Н. ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРДА
КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Boboeva Z.N. MEANS OF DEVELOPING CREATIVITY IN
STUDENTS IN MEDICAL EDUCATION

14

Рахимов Б.Т., Абдулжаббарова У.М. ЗНАЧЕНИЕ ФИ-
ЗИЧЕСКИХ И БИОФИЗИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ПРИ
ИЗУЧЕНИИ МЕДИЦИНЫ

Rakhimov B.T., Abdujabbarova U.M. THE IM-
PORTANCE OF PHYSICAL AND BIOPHYSICAL PRO-
CESSES IN THE STUDY OF MEDICINE

17

Убайдуллаева В.П. ФИЗИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
ТУРЛИ ДАРАЖАДАГИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИ-
ВОЖЛАНТИРИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУ-
ВГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУ-
СУСИЯТЛАРИ

Ubaydullayeva V.P. PECULIARITIES OF TEACHING
BASED ON THE COMPETENCE-BASED APPROACH IN
THE DEVELOPMENT OF DIFFERENT LEVELS OF COM-
PETENCE OF PHYSICS TEACHERS

20

Xalmuxamedov B.T., Nurillaeva N.M. TIBBIYOT UNI-
VERSITETLARI TALABALARIGA TELETIBBIYOT VA EL-
EKTRON POLIKLINIKA KO'NIKMALARINI O'QITISH

Khalmukhamedov B.T., Nurillaeva N.M. TRAINING OF
TELEMEDICINE AND ELECTRONIC POLYCLINIC SKILLS
FOR MEDICAL UNIVERSITY STUDENTS

23

Xalmuxamedov B.T., Nurillaeva N.M. TIBBIY OLIY
TA'LIM MUASSASALARIDA TALABALARINING O'QUV
JARAYONIGA TELETIBBIYOTNI KIRITISH AHAMIYATI
VA JORIY ETISHNING XUSUSIYATLARI

Khalmukhamedov B.T., Nurillaeva N.M. FEATURES
AND SIGNIFICANCE OF THE INTRODUCTION OF TELE-
MEDICINE IN THE LEARNING PROCESS OF MEDICAL
UNIVERSITY STUDENTS

28

ОБЗОРЫ

REVIEWS

Стр.

Абдуллаева М.И., Иноярова Ф.Х., Муминова Г.А.,
Асланов М.Н. НЕЙРОДЕГЕНЕРАТИВ КАСАЛ-
ЛИКЛАРДА ИММУНКУЛУСНИНГ РОЛИ

Abdullaeva M.I., Muminova G.A., Aslanov M.N.,
Inoyatova F.Kh. THE ROLE OF IMMUNLUCUS IN NEU-
RODEGENERATIVE DISEASES

33

Нурузова З.А., Шадманова Н.А., Ёдгорова Н.Т.
ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ҚЎЗФАТУВЧИЛАРИНИ
МИКРОБИОЛОГИК ТАШХИСОТИДА ЗАМОНАВИЙ
ПРЕСПЕКТИВ УСУЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ИМКО-
НИЯТЛАРИ

Nuruzova Z.A., Shadmanova N.A., Yodgorova N.T. THE
ROLE AND CAPABILITIES OF MODERN PROMISING
METHODS IN THE MICROBIOLOGICAL DIAGNOSIS OF
INFECTIOUS DISEASE CAUSATIVE AGENTS

40

Сабирова Р.А., Икрамов А.Ш., Турсунов Д.Х. МОЛЕ-
КУЛЯРНЫЕ И КЛЕТОЧНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ДЕЙСТВИЯ
СОРБЕНТОВ, ПРИМЕНЯЕМЫХ В МЕДИЦИНЕ

Sabirova R.A., Ikramov A.Sh., Tursunov D.Kh. MOLEC-
ULAR AND CELLULAR MECHANISMS OF ACTION OF
SORBENTS USED IN MEDICINE

45

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Бобоева З.Н.

СРЕДСТВА РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСТВА СТУДЕНТОВ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Бобоева З.Н.

MEANS OF DEVELOPING CREATIVITY IN STUDENTS IN MEDICAL EDUCATION

Boboeva Z.N.

Toshkent tibbiyot akademiyasi

Аннотация. При проблемном обучении, в основе которого лежат базовые технологии обучения, учащиеся приобретают долгосрочные устойчивые знания. Основная идея проблемного обучения состоит не в том, чтобы дать учащимся знания в готовом виде, а в изучении и исследовании проблем, связанных с предметом урока.

Использование интерактивных методов «SCORE» дает эффективные результаты. В этом процессе учащиеся получают выводы, направленные на поиск решения проблемы самостоятельно в процессе освещения определенной проблемной ситуации через различные организеры, схемы знаний, таблицы.

Ключевые слова: педагогика, педагогические технологии, медицинское образование, креативность

Abstract. In problem-based learning, which is based on basic teaching technologies, students acquire long-term stable knowledge. The main idea of problem-based education is not to give knowledge to the student ready, but to ensure that it is mastered by them on the basis of conducting studies and researches on the problems related to the subject of the lesson.

The use of interactive methods "SCORE" gives effective results. In this process, students receive conclusions aimed at finding a solution to a problem independently in the process of illuminating a certain problematic situation through various organizers, knowledge schemes, tables.

Keywords: pedagogy, pedagogical technologies, medical education, creativity.

Xозирги вақтда тиббий биологик соҳадаги билимлар ниҳоятда кенгайиб бормоқда. Ахборот манбаининг кўпайиши, маълумотлар олиш имкониятларининг кенгайиб бориши ўқитиш усулларини замонавийлаштиришни, такомиллаштиришни талаб қиласди.

Таълим тизимининг асосий мақсади ижодий фикрлайдиган ва эркин фикр юритувчи мутахассисларни тарбиялашдан иборат. Ижодий фикрлашни ривожлантириш - таҳлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш, таснифлаш, режалаштириш, терапияни, тасаввурни ривожлантиришни таъминлайди.

Таълим жараёнида ўқитувчи билим беради ва талабаларнинг фикрлаш фаолиятига раҳбарлик қиласди, ўқувчиларда мустақиллик, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириб, ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда ўзлаштиришига эришиш орқали билиш кўникмасини шакллантиради.

Фундаментал фанлар талабаларда мутахассисликка оид тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Уларнинг вазифаси организмда кечётган патологик ва морфологик жараёнлар, уларнинг қонуниятларини ўзлаштириб, касалликлар патогенезининг молекуляр механизmlари, касалликларни олдини олиш ва даволашнинг патогенетик асослари, касалликларни

ташхис қилиш ва даволаш самарадорлигини назорат қилишга ўргатиш, шифокорларда клиник фикрлашни ривожлантириш учун замин яратиб беради.

Таълим усуллари ниҳоятда кўп. Уларнинг ҳамаси дарснинг мазмунини, ундан кўзда тутилган мақсад, вазифаларга мувофиқ бўлганда кўзда тутилган самарани беради. Шунингдек, ҳар бир дарс учун айнан шу дарсга мувофиқ тузилган бўлган таълим технологияларни кўллаш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик технология - таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари, уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, кўллаш, аниқлаш тизимиdir. Педагогнинг асосий вазифаси ҳар бир талабанинг мустақил фикрлашини ривожлантириш керак. Дарс жараёнида таълимнинг шахсга йўналтирилган турига, яъни ҳар бир талабанинг фикрлаш, ҳаракат стратегиясини ҳисобга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимга кўпроқ амал қилиш бу жараёнинг самарали бўлишини таъминлайди. Аниқ технологик усуллар билан дарс ўтилганда жараён якунида таълим оловчи

мавзуни пухта ўзлаштиради, ўз билимини бошқаларга етказиб бериш лаёқатига эга бўлади. Бунга эришиш учун машғулотларни ташкиллаштириша мавзу бўйича дарс ишланмаси тайёрланаётганда ҳар бир мавзу учун хос усувлар билан ёндошиш зарур.

Таълим беришнинг асосий технологияларидан ҳисобланган муаммога асосланган ўқитиша талаabalар узоқ муддатли турғун маълумотга эга бўладилар. Муаммоли таълимнинг асосий ғояси билимларни ўқувчига тайёр ҳолда бериш эмас, улар томонидан дарс мавзусига тегишли муаммолар бўйича ўқув-тадқиқотларни бажариш асосида ўзлаштирилишини таъминлашдан иборатдир.

Дарс жараёнини муаммоли таълим усулида ташкил этилганда куйидаги босқичларга эътибор берилади:

- ✓ муаммо вазиятни тақдим этиш;
- ✓ муаммони характерловчи шароитни ўрганиши;
- ✓ кўйилган муаммони ҳал қилиш;
- ✓ топилган ечимининг тўғрилигини асослаш;
- ✓ муаммонинг ечимини излаш ва ҳал қилиш жараёнида пайдо бўлган янги билимларни англаш;
- ✓ муаммони тизимлаш, мотивлаштириш ва умумлаштириш.

Бу таълим усули талабаларда билиш, ўрганиш, изланиш кўнникмаларини ривожлантиради, талабаларнинг фикрлаш доираси кенгаяди, талабалар муаммони ҳал қилиш мобайнида дарсликлар, электрон ресурслардан фойдаланадилар, бу ўз навбатида уларнинг мустақил ўқиб ўрганишларининг самарадорлигини оширади ва эгаллаган билимларни бир-бирига қиёсий таҳлил қила олишга ўрганидилар.

Ўқитувчи дарсни муаммога асосланган ўқитиша усулида ташкил этишда эвристик методни қўллаш орқали ижобий натижага эришади.

Эвристик метод – муаммони кўйишда ечимини излашда, ҳал қилишда бир-бири билан узвий боғлиқ савол-жавоб орқали мунозара тарзида муаммо ечими топилади. Муаммоли вазиятни яратиш, вазиятни таҳлил қилиш асосида муаммони кўйиш, фаразларни илгари суриш, ечимини текшириш жараёнида талабалар мустақил, ижодий иш бажарадилар.

Вристик мунозарада интерфаол усувларнинг кенг қўлланилиши талабаларни фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Интерфаол усувлардан "SCORE" усулидан фойдаланиш самарали натижага беради. Талабалар бу жараёнда маълум бир муаммоли вазиятни турли хил органайзерлар, билиш схемалари, жадваллари орқали ёритиш жараёнида мустақил равишда муаммони ечимини топишга қаратилган хулосалар қабул қиласидилар.

Бу метод кўйилган муаммоли саволни аниқ кетма кетликда таҳлил этишни таъминлади.

S - symptom (муаммо симптоми)

C - cause (муаммони келиб чиқиш сабаби)

O - outcome (муаммо ечимидан кутиладиган натижага)

R - resources (Қаерда? Қачон? Нима? Қандай? саволларга жавоб топиш орқали муаммо ечими манбалари изланади)

E - effect (муаммо ечимини топиш, мақсад сари йўналтирилган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш орқали юқори самарадорликка эришиш)

Патофизиология фанида "Юрак қамаллари" мавзусида дарс ўтиш жараёнида бу усульдан фойдаланиш талабаларни мавзуни таҳлил қилиш жараёнида фаол қатнашишига шароит яратади.

Дарс жараёнида даставвал талабалар 2-3 кишидан иборат 4 гуруҳчага тақсимланадилар.

Ўқитувчи кичик гуруҳлар билан ишлаш вақтида куйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Талабалар берилган муаммони ечимини топиш учун зарур билимга эга бўлиши керак;

2. Гуруҳларга аниқ топшириқ берилиши керак;

3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган вазифани бажариш учун етарли вақт ажратилади;

4. Ўқитувчи гуруҳ талабаларига иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ тушунтириши керак

Ўқитувчи ҳар бир гуруҳчага алоҳида экстрасистемик аритмия тасвири туширилган ЭКГ бланк тарқатади.

Гуруҳча талабалари бу ЭКГдаги аритмия турини, келтириб чиқарувчи сабаблари, ривожланиш механизmlари ва асоратларини куйидаги саволлар асосида таҳлил қиласидилар:

(S) Тасвирда қандай турдаги аритмия тасвирланган?

(C) Аритмияни келтируб чиқарувчи сабаблар, шарт шароитлар, унинг ривожланиш механизми қандай?

(O) Организмда аритмия ривожланишини олдини олуви чора тадбирларни амалга оширадиган шарт-шароитлар қандай?

(R) Қаерда? Қачон? Нима? Қандай? саволларга жавоб топиш орқали муаммо ечими манбалари изланади?

(E) Экстрасистолияларнинг олдини олишда қандай чора тадбирларга риоя қилиш керак?

Талабалар таҳлил жасарёнида куйидаги ишларни бажарадилар:

✓ Патологик жараён ривожланишидаги сабаб оқибат занжирини тузадилар

✓ Муаммони ечимини назарий асослашга ҳаратқиласидилар

✓ Бу ишларни амалга оширишда "Поғона" таҳлил жадвали, "Нима учун?" чизмасини ҳар бир гуруҳ талабалари алоҳида тўлдирадилар

✓ Жамланган маълумот асосида ҳар бир гуруҳча талабалари тақдимот тайёрлаб, топширилган ЭКГ бланкидаги аритмия ҳақида маълумот берадилар.

Тақдимот учун ҳар бир гуруҳчага 6-8 минут вақт берилади. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти эшишиб, кўшимча саволлар ёрдамида муҳокама қилинади. Сўнгра, ҳар бир талаба фаолиятдаги иштироки, билим даражасига кўра баҳоланади.

Мазкур метод орқали ўқув машғулотлари ўтказилгандан талабалар мавзуни ўзлаштиришда

ижодий ёндошганликлари сабаб, уларнинг фаоллиги ошганлиги туфайли турғун билимга эга бўлганликлари намоён бўлди, уларда фикрларини фактларга таянган ҳолда асослай олиш кўникмалари ривожланди.

Ҳозирги пайтда таълим жараёнини фаоллаштириш орқали талабаларда билим олиш ва кўникмаларни эгаллашга қизиқиш уйғотиш, уларнинг мустақил ва эркин фикрларини қобилиятларини ривожлантириш, талаба ва педагог орасида онгли муносабатларни ўрнатиш, талабаларнинг ахборот манбалари билан мустақил ишлаш фаолиятларини шакллантириш ва уларнинг машғулотларга мунтазам ва тўлиқ иштирокини таъминлашга эришиш мумкин.

Шунингдек, олий таълимни ривожлантириш учун, бевосита тиббиёт соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлашда, кадрлар салоҳиятини оширишда, амалий кўникмаларини мустаҳкамлашда юқорида қайд этилган методларни кўллаш яхши самара беради.

Эришилган натижалар

- Талабалар этиологик факторлар, шарт шаротларнинг касалликлар патогенезидаги роли ҳақида турғун маълумотга эга бўлдилар
- Талабаларда билиш, ўрганиш, изланиш кўникмаларини, фикрларни мустақил равишда далиллар асосида шарҳлаш кўникмалари мукаммал ривожланди
- Талабаларнинг фикрлаш доираси кенгайди, муаммони ҳал қилиш мобайнида дарсликлар, электрон ресурслардан фойдаланиб, мустақил ўқиб ўрганиш самарадорлиги ошди.
- Талабалар билимларини қатъий мантиқий тизимга солишини ўргандилар
 - Бажарган ишларини келгусидаги касбий фаолиятидаги аҳамиятини англадилар
 - Талаба муаммоли ҳолатда ўз нуқтаи назарига эга бўлиб таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлди

Адабиётлар:

1. Дианкина М.С. «Профессионализм преподавателя высшей медицинской школы». Москва, 2000
2. В.Б. Мандриков, А.А. Воробьев, М.Е. Стаценко, С.В. Недогода и др. Уч.пособие. - Волгоград: изд-во ВолГМУ, 2008.- 143с
3. Ступина С.Б. Технологии интерактивного обучения в высшей школе: Учебно-методическое пособие. - Саратов: Издательский центр «Наука», 2009. – 52 с.
4. Abdullyaev N.H., Karimov H.Yo., IrisqulovB.O'. Patologik fiziologiya Toshkent, 2010.

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВОСИТАЛАРИ Бобоева З.Н.

Аннотация. Таълим беришнинг асосий технологияларидан ҳисобланган муаммога асосланган ўқитишида талабалар узоқ муддатли турғун маълумотга эга бўладилар. Муаммоли таълимнинг асосий гояси билимларни ўқувчига тайёр ҳолда бериши эмас, улар томонидан дарс мавзусига тегишли муаммолар бўйича ўқув-тадқиқотларни бажарши асосида ўзлаштирилишини таъминлашдан иборатдир.

Интерфаол усуllibардан "SCORE" усулидан фойдаланиш самарали натижга беради. Талабалар бу жараёнда маълум бир муаммоли вазиятни турли хил органайзерлар, билиш схемалари, жадваллари орқали ёритиш жараёнида мустақил равишда муаммони ечимини топишга қаратилган куолосалар қабул қиласидилар.

Калит сўзлар: Педагогик технология, муаммоли таълимусули, тиббий таълим, шахс креативлиги.